



ПРЕЗИДЕНТ ЎЗБЕКИСТОНЛИК ҲОЖИЛАР ҲОЛИДАН ХАБАР ОЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Мусулмонлар идораси раиси, муфтий шайх Нуриддин Холиқназар билан телефон орқали мулоқот қилди.

Давлатимиз раҳбари муборак Ҳаж зиёратига тайёргарлик жараёнлари, юртдошларимиз учун яратилган шароитлар, уларнинг саломатлиги ва кайфияти ҳақида сўради.

Шайх Нуриддин Холиқназар Шавкат Мирзиёевга, аввало, муборак жойларда ибодат файзи билан юрган ҳожиларимизнинг саломи ва дуоларини етказди.

Бу йил ҳам Ҳаж тадбирлари юқори савияда, тартибли ташкил этилгани таъкидланди. Худудлардаги Ҳаж марказлари орқали ишлар уюшқоқлик билан олиб борилди. Вазирлар Маҳкамаси бошчилигида Дин ишлари бўйича қўмита, Ташқи ишлар вазирлиги,

Транспорт вазирлиги, Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа тузилмалар ҳамкорлигида зиёратчилар учун барча шароит яратилди.

Айни пайтда қарийб 12 минг нафар юртдошимиз Саудия Арабистонида бўлиб турибди. Жами 15 минг 130 нафар фуқаро Ҳаж ибодатига муяссар бўлади. Уларга 300 нафар гуруҳ раҳбари, 50 нафар олий тоифали шифокор, ошпазлар, таржимонлар ва бошқа кўмакчилар ҳамроҳлик қилади.

Бу каби эътибор ва шароитларни арабистонлик мутасаддилар ҳам юқори баҳолаб, Ўзбекистон Президентига хурмат ва дуоларини изҳор этмоқдалар.

Бу йилдан бошлаб бир янгилик – Саудия Арабистонида бўлиб турган диний соҳа ходимлари ҳамда қори зиёратчилар томонидан Қуръони каримни хатм қилиш йўлга қўйилди. Ҳозиргача 1 минг 515 та

хатм ўқилиб, юртимизга тинчлик, халқимизга фаровонлик тилаб дуолар қилинган.

Давлат раҳбари юртдошларимиз муқаддас Ҳаж ибодатини мукаммал адо этиб, соғ-омон келишларини тилади. Ўзбекистонга қайтгач, ҳожилар жамиятимиздаги меҳр-оқибат муҳитини мустаҳкамлаш, жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш, ёшлар тарбияси ва оилалар тотувлигида ибрат бўлишларига умид билдирди.

Сухбат самимий ва кўтаринки руҳда ўтди.



ҚИСҚА САТРЛАРДА



Ўзбекистонлик қори халқаро мусобақада 3-ўрин соҳиби бўлди

25–27 май кунлари Россия Федерацияси Ингушетия Республикасида “Ихва” хайрия жамияти томонидан Қуръони каримни тажвидли ўқиш бўйича ўтказилган II халқаро мусобақада Ўзбекистон мусулмонлари идораси тасарруфидаги “Ҳидоя” ўрта махсус ислом билим юрти талабаси Аббосхон қори Саидмурод ўғли Обидов муваффақиятли иштирок этиб, 3-ўринга сазовор бўлди.



Қозоғистонда Марказий Осиёдаги энг катта масжид очилди

Қозоғистоннинг Чимкент шаҳрида “Эсжанули Сейитжан қори” жоме масжидининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Янги масжидда бир вақтнинг ўзида 30 минг киши намоз ўқиши мумкин.

Мажмуада мажлислар зали, 600 ўринли ошхона, ёшлар маънавиятини тарбиялаш мадрасаси, тўйхона, фитнес маркази, 736 та машинага мўлжалланган ер ости тўхташ жойи мавжуд.

Масжид минораларининг баландлиги 63 метр, бош гумбазнинг баландлиги 56 метр. Шунингдек, 20 метрлик улкан соябонлар тизими мавжуд бўлиб, улар вентилятор ва намлагичлар билан жиҳозланган. Масжид бинолари 9 баллгача зилзила хавфини ҳисобга олган ҳолда қурилган.

Ёмонликдан қайтариш

Гуноҳ чексиз қудрат ва азамат соҳиби бўлган Аллоҳ азза ва жаллага қилинган исёндир. Унинг раҳмат ва розилигига тўсиқ бўладиган пардадир. Гуноҳ инсоннинг туйғулари ва тушунчаларига ёмон таъсир кўрсатади. Қалбларни қорайтиради. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам гуноҳнинг таъсирини ҳадиси шарифларида бундай таърифлаб берганлар: **«Мўмин киши гуноҳ иш қилса, қалбида бир қора нуқта пайдо бўлади. Агар тавба қилиб, у гуноҳдан бутунлай қайтса, истиғфор айтса, қалби покланади. Агар (гуноҳни) зиёда қилса, (қалбидаги қора ҳам) зиёда бўлади. Мана шу Аллоҳ азза ва жалла Қуръонда зикр қилган могордир. «...Балки уларнинг дилларини ўзларининг қилмишлари (гуноҳлари) қоплаб олгандир» (Муттафифун сураси, 14-оят), дедилар»** (Имом Термизий ривояти).

Гуноҳларнинг асорати

Ҳадиси шарифдаги муҳим икки нуқта:

Биринчиси, умуман гуноҳ қилмаслик керак. Гуноҳ агар биринчи бор содир этилса, қалбни кирлантиради, айрим фазилатларга пуртур етади. Агар мўмин банда қилган хатосини, гуноҳини тушуниб, дарҳол тавба қилса, қалб аввалги ҳолатига қайтади.

Иккинчиси, мўмин қилган гуноҳини такрорласа ва шунга одатланса, бу қора қалбни бутунлай эгаллаб олади.

Имом Ғаззолий “Ихёи улумуддин” асарида бундай ўхшатмани келтиради: “Ойна олдида турган одамнинг нафаси ойнани хиралаштирганидек, инсон бўйсунган шаҳват ва қилинган гуноҳлар зулмати қалбда тўпланиб, уни қорайтиради. Кўзгу юзасида тўпланган

занг вақт ўтиши билан уни бузганидек, қалбда тўпланган занг ҳам ўша унинг табиатига айланади ва устини қоплайди”.

Гуноҳ – ҳам шахсни, ҳам жамиятни бузадиган хасталик. Қалбни қорайтирадиган гуноҳ юқимли вирусга ўхшайди. Эртами-кечми ўз таъсирини кўрсатади. Гуноҳ инсоннинг Аллоҳга бўлган яқинлигини задалайди, ёмонликларга йўл очади, қалбдаги хотиржамликни олиб, безовталиқ беради, охир-оқибат қалб хасталанади. Зеро, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Огоҳ бўлинг! Танада бир парча гўшт бор, у соғлом бўлса, бутун тана соғлом бўлади. У бузилса, бутун тана бузилади. Огоҳ бўлинг! Ўша нарса қалбдир»**, (Муттафақун алайҳ) дея огоҳлантирганлар.

2-бетда

Пок қалб ким учун фойдали?

“

«Ва қайта тирилтириладиган кунда мени шарманда қилмагин. У кунда на мол манфаат берар ва на болалар. Магар, ким Аллоҳ ҳузурига тоза қалб ила келса, (манфаат топар)» (Шуаро сураси, 87–89-оятлар).

Имом Куртубий раҳимаҳуллоҳ ушбу оятни **“гувоҳлар олдида мени шарманда қилма”** ёки **“мени азоблама”** дея тафсир этиб, ушбу ҳадисни келтирганлар: “Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: **“Иброҳим алайҳиссалом қиёмат кунда оталарини қора ғубор (чанг) қоплаганини кўрадилар”** ва дейдилар: **“Эй Раббим! Қайта тирилтириладиган кунда мени шарманда қилмасликни ваъда**

бергандинг”. Аллоҳ таоло марҳамат қилади: **“Албатта, мен жаннатни кофирларга ҳаром қилдим”**» (Имом Бухорий ривояти).

У кунда (қиёмат куни на молу дунё ва на фарзандлар отага, онага) ёрдам беролмайди. Кишига фарзанди ёрдам беролмаганидан кейин бошқа ким ҳам ёрдам бера оларди. Аммо кимнинг қалби молу дунё ва фарзанд фитна-сидан омон бўлса, унга молу дунё-ёсидан қилган эҳсонлари, солиҳ фарзандлари, амаллари фойда беради.

Қалб соғлом бўлса, барча аъзолар саломат бўлади. Агар қалб бузук бўлса, бошқа аъзолар ҳам бузук, касал бўлади.

Имом Қатода, ибн Зайд раҳимаҳумаллоҳ ва аксар муфассирлар: “Тоza қалб унда шак ва ширк бўлмаган қалбдир” деганлар.

Фарз, вожиб ва суннат амалларни адо этмай, шаръий қайтариқлардан сақланмай, қалбим тоза дейиш алданишдир.

Абу Усмон Сайёрий раҳимаҳуллоҳ айтади: “Тоza қалб бидъат, хурофотларга берилмаган, суннатга амал қилганларнинг қалбидир”.

Ҳасан Басрий раҳимаҳуллоҳ: “Тоza қалб мол ва болаларнинг офатидан омон бўлган киши қалбидир”, деганлар.

“Саҳиҳи Муслим”да Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Жаннатга қалблари қушларнинг қалбидек бўлган қавмлар киради”** дедилар.

Имом Насафий раҳимаҳуллоҳ: “Тоza қалб куфр ва нифоқдан холи бўлган қалб”, деган. Кишининг дунёдаги бойлиги мол ва болалари билан бўлса, динидаги бойлиги қалбининг тозалиги билан бўлади. Инсон қалби тоза бўлса, молини Аллоҳ таоло рози бўлган йўлларга сарфлайди, фарзандларини динга иршод қилади, шариат аҳкомларини ўргатади. Шунинг учун унинг молу дунёси ва



болалари манфаатли, солиҳ бўлади. Аллоҳ таоло буюрган ҳукмларга амал қиладиган инсон, албатта, икки дунё саодатига эришади.

Авазбек ЖУМАБОВЕВ,
“Қўқалдош” ўрта махсус ислом
билим юрти ўқитувчиси

Динимизни ўрганамиз

Жума кунининг бошқа кунлардан афзал жиҳатлари кўп. Улардан бири, айнан жума намози учун ғусл қилиб, намозга эртароқ бориш ҳамда одобларга риоя қилиб намоз ўқишдир. Зотан, бунинг учун ҳам кишига улкан ажр-савоблар битилади.

Жумага пайшанба куни асрдан сўнг тайёргарлик кўрилади.

Жума кунининг бомдод намозини имкон қадар масжидда жамоат билан ўқиш мандуб.

Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Жума кунда айтилган салавот менга кўрсатилади”**, деганлар.

Бу кунда дуолар ижобат бўладиган бир вақт бор. Банданинг дуоси ана шу пайтга мувофиқ келиб қолса, унинг ижобат бўлишига шубҳа йўқ.

Жумага, жамоатга келадиган одамнинг ғусл қилиш ҳикмати нафақат нажосатни, ҳатто бадандаги нохуш ҳидларни ҳам

Жума одоблари

кетказишдир. Зеро, жума куни масжидда одатдагидан каттароқ жамоат тўпланади, издиҳом бўлади. Фаришталар эса ниҳоятда нозик хилқат бўлгани учун уларга озор бермасликка ҳаракат қилинади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадиси

шарифда Пайғамбаримиз алайҳиссалом бундай дедилар: **“Ким жума куни ғусл қилиб, масжидга жума намозининг аввалги соатида келса, унинг савоби бир туяни қурбонлик қилгандек бўлади. Ундан кейинги соатда келган одам бир молни қурбонлик қилгандек бўлади. Учинчи соатда келган**



одам шохдор қўчқор қурбонлик қилгандек бўлади. Тўртинчи соатда келганлар бир товуқни қурбонлик қилгандек бўлади. Бешинчи соатда, охирида келган одам битта тухумни қурбонлик қилгандек бўлади” (Имом Бухорий ривояти).

Жума куни имом минбарга хутба учун чиққанида фаришталар ҳозир бўлиб, уни тинглайдилар. Фаришталар ҳозир бўлган жамоат эса нақадар гўзал! Шунинг учун бундай жамоатнинг одобларига риоя қилишимиз лозим.

Имом хутба учун минбарга чиққанидан сўнг намозхон учун (яхши нарсани бўлса-да) гапириш ёки ҳаракатланиш жоиз эмас. Жим қотганча хутбани тинглаш лозим. Акс ҳолда намози бузилиши мумкин.

Раҳматуллоҳ САЙФУДДИНОВ,
Тошкент шаҳридаги “Минор” жоме
масжиди имом-хатиби

Ёмонликдан қайтариш

1-бетда

Англашилгани, гуноҳ сабаб қорайиб бузилган қалб бутун танамизга ўз асарини кўрсатади. Кишининг ички дунёси қорайиб, Аллоҳга қурбат ҳосил қилишдан узоқлашгани етмаганидек, моддий ва маънавий ҳаёти ҳам саодатдан узоқлашади. Аслида, гуноҳ виждонни ранжитадиган, виждон қабул қилмайдиган, инсон

қалбига нокулайлик туғдирадиган ҳодисадир.

Наввос ибн Самъон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: «Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламдан яхшилик ва ёмонлик нима эканини сўрадим. У зот алайҳиссалом: **“Гўзал хулқли бўлиш комил яхшиликдир. Гуноҳ эса**

дилинг тараддудланиб, одамларундан хабардор бўлишларини хоҳлаганингдир”» (Имом Муслим ривояти), дедилар.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, агар банда бу қисқа умр мобайнида дунё имтиҳонидан ўтишни, Аллоҳ розилигига эришишни истаса, аввало, нафси устидан

ҳоким бўлиб, шайтоннинг ҳийла-ларидан огоҳ, гуноҳлардан тийилиши лозим. Зеро, гуноҳнинг асари аввал қалбда, кейин ҳаётда ўз асарини кўрсатади. Алалоқибат охиратда надоматга сабаб бўлади.

Аллоҳ таоло барчамизнинг оқибатимизни хайрли айлаб, сўнгги надоматдан сақласин!

Нигора МИРЗАЕВА

Ўзбекистон мусулмонлари идорасида Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти талабаларининг 50-битирув хатмонаси ҳамда таниқли уламо Шайх Абдулазиз Мансур ҳазратлари таваллудининг 80 йиллиги муносабати билан тадбир бўлиб ўтди.

Маросимда диний соҳа вакиллари, профессор-ўқитувчилар, имом-хатиблар, талаба-ёшлар ҳамда ота-оналар иштирок этди.

Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Шайх Нуриддин Холиқназар ҳазратлари битирувчи талабаларга келгусидаги фаолиятларида муваффақиятлар тилади ҳамда Шайх Абдулазиз Мансур ҳазратларини табаррук ёшлари билан муборакбод этиб, эзгу тилакларини билдирди.

Тадбирда мамлакатимизда диний-маърифий соҳада улкан ўзгаришлар, хусусан, диний таълимни янги босқичга олиб чиқиш борасида кўплаб саъй-ҳаракатлар амалга оширилаётгани таъкидланди. Сўнгги йилларда Тошкент ислом институти ўқув дастурлари тубдан янгиланди, Араб тили бўйича халқаро сертификат бериш жорий этилди, “Саҳиҳи Бухорий”, “Сунани Термизий” каби мўътабар китобларни хатм қилиш йўлга қўйилди,

Муносабат



таълим муассасаларида Куръони карим ва тажвид курслари фаолияти иш бошлади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг дин ва миллатлараро муносабатлар масалалари бўйича маслаҳатчиси Музаффар Комилов юртимизда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан барча жабҳаларда бўлгани каби диний-маърифий соҳада ҳам улкан ислохотлар ҳаётга изчил татбиқ этилаётгани, бу

каби хайрли ишлар халқаро ҳамжамият томонидан ҳам алоҳида эътироф этилаётганини қайд этди. Шу билан бирга Тошкент ислом институти битирувчиларига эзгу тилакларини йўллаб, Шайх Абдулазиз Мансур ҳазратларини 80 йиллик таваллуд айёмлари билан қутлади.

Маросимда Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси ўринбосари, Тошкент ислом институти ректори Муҳаммадолим домла

Муҳаммадсиддиқов таълим муассасаси фаолиятига оид сўнгги янгиликлар билан таништирди.

Тадбир якунида Муфтий ҳазратлари барча битирувчиларга тухфалар улашди. Шунингдек, Шайх Абдулазиз Мансур ҳазратларига диний соҳа мутасаддилари, уламо-лар ва меҳмонларнинг қутловлари тингланди.

Ўз мухбиримиз

Меҳнат қилмай яшаш дангасалик эмасми?..

Матбуот, интернет саҳифалари аслида ҳаётимизда юз бераётган муаммо ва камчиликларнинг кўзгуси бўлиб, қай ўринларни ислоҳ қилишимиз лозимлигини бизларга кўрсатиб туради. Бугунги кунда жамиятимизнинг ислоҳ этиш лозим бўлган жиҳатларидан бири – ҳақиқий муҳтож бўлмаганларнинг бошқалар эҳсони эвазига кун кўришларидир.

Бир аёлни биламан, қарийб 10 йилдан буён тиланчилик қилади. Катта фарзандларим бола бўлган йилларда ҳам унга пул бериб ўтардик.

Бошқа бир хотин эса, икки фарзанди билан оиласидан ажрашган. Ижара уйда туради. Фарзандлари ёшлиги сабаб ишлай олмайди-ган даврида маҳалласидан эҳсон берувчиларга далолат қилгандик. Вақт ўтиб болалари катта бўлди, боғча ёшига етди. Ўзининг қўлида дипломи бор. Ҳали ҳам уйда ўтирганини эшитиб, бир-икки жойдан иш топдик. Ойлик маоши камроқлигини эшитиб, рад жавобини берди.

Маҳалладагилар:

– Ҳали ҳеч ерда ишламагансиз. Бундан юқори ойликли иш топишингиз мушкул. Ишлаб ўзингизни

кўрсатсангиз, ойлик ҳам ошади, – дейишди.

– Амаллаяпман. Рамазонгача ижарадан, бошқа нарсалардан қарз бўлиб қоламан. Рамазонда кўлимда 3-4 сўм қолади...

...Тушунарли. Йил бўйи Рамазонда келадиган эҳсон, закотлар ҳисобидан яшамоқда...

Бу дангасалик эмасми? Баъзан бу ҳолда яшаётган ёлғиз оналарнинг берилаётган эҳсонлардан норози бўлганларини кўриб, хайрон қоласан киши.

Мавзуга тааллуқли гўзал бир ҳикоятни келтириб ўтсам: «Иброҳим Адҳам билан Шақиқ Балхий раҳматуллоҳу алайҳимо Маккада учрашиб қолишди. Иброҳим Адҳам Балхийдан сўради: “Бу ҳолга келишингизга нима сабаб бўлди?”

Балхий жавоб берди:

Бир куни кўлга бордим. Қум устида қаноти синган қуш ётарди. Ўз-ўзимга: “Шу ерда ўтириб, унга қаердан ризқ келишини кузатай-чи”, дедим. Бир пасдан кейин тумшуқлари орасида егулик олиб бошқа қуш келди. Тумшуғидаги озуқани ерда ётган ногирон

шеригининг олдига қўйди. Буни кўриб: “Шу қушни ерда ётган шеригига восита қилган Аллоҳ таоло, қаерда бўлмай, мени ризқ билан таъминлашга қодир”, деб ўйладим...

Иброҳим Адҳам айтди:

Яхши-ю, бироқ нега сиз қаноти синган қушга емиш ташиган соғлом қуш каби бўлиб, яна ҳам юксак даражага кўтарилишни истамайсиз? Ёки Пайғамбаримиз алайҳиссаломнинг: **“Берувчи қўл олувчи қўлдан яхшироқдир”**, деган ҳадисларини эшитмаганмисиз?”

Бу насиҳатдан кейин Шақиқ Балхий Иброҳим Адҳамнинг қўлларини ўпди ва: “Эй Абу Исҳоқ, сиз бизнинг устозимизсиз”, дея эҳтиром кўрсатди.

Менинг айтмоқчи бўлганим шу, нахот тўрт мучаси соғ, қўлида дипломи бор, куч-қуввати жойида инсонга бировларнинг меҳнат қилиб топганини меҳнат қилмай “ёб яшаш” ярашса?! Бу дангасалик бўлмайdimи?.. Дангасалик одам боласини гуноҳларга бошлайди. Улардан энг ёмони ёлғончиликдир.

Масаланинг яна бир аянчли

томони бор: онадир, отадир эҳсон, закот ёки тиланчилик билан фарзандларини боқадилар. Уларни ҳам мусулмонларга ярашмайдиган ҳаёт тарзига “одатлантирадилар”. Чунки доно ҳалқимиз айтганидек: “Қуш уясида кўрганини қилади”.

Масаланинг бошқа бир тарафи эса, аслида жамиятдаги ожиз қатлам (мискинлар, етимлар, ногиронлар)га тегишли бўлган ҳақ ишлаб, ўз кучи ва болиғ ақли билан пул топишга қодир бўлганлар олиши натижасида асл муҳтожларга етиб бормайди.

Ҳаётингизни тафтиш қилинг, бу ва бунга ўхшаш бирор хатога йўл қўяётган бўлсангиз, ўзингизни ислоҳ қилинг. Чунки Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам бизларни иззат-нафсли бўлиб, одамлардан бирон нарса сўрашдан беҳожат бўлишга чақирар эди. Ҳатто айрим саҳобалардан инсонлардан бирон нарса сўрамасликка байъат ҳам олганлар. Чунки **“...Берувчи қўл олувчи қўлдан яхшироқдир”** (Имом Муслим ривояти).

Илҳомиддин ТОЙРОВ,

Фарғона давлат университети филология факультети 2-босқич талабаси

Масала

Динда саволим бор...

САВОЛ: Таҳорат қилгани кетаётганимда азон чақириб қолади. Шу вақтда ўтириб азонни тугаганини кутишим керакми ёки таҳоратга шошилиш керакми?

ЖАВОБ: Аллома Ибн Обидин “Тухфа” номли китобдан бу ҳақда қуйидагиларни нақл қилиб келтиради: “Азон ва иқоматни эшитатётган киши бу аснода заруратсиз гапирмаслиги ва бирор иш билан чалғимаслиги лозим бўлади” (“Раддул мухтор”).

Сизнинг ҳолатингизда агар азондан кейин бемалол таҳорат олиб жамоатга етишиш имкони бўлса, азон айтилганда тўхтаб, азон калималарига жавоб қилишингиз афзал бўлади. Азондан сўнг жамоатга етишиш имкони кам бўлса, таҳорат олишга ҳаракат қилишингизда зарар йўқ.

САВОЛ: Бир ҳадисда: “Менинг умматимдан ҳисобсиз жаннатга кирадиганлари бўлади. Улар бемор бўлсалар, дам ҳам солдирмайдилар”, дейилган экан. Дам солдириш гуноҳми?

ЖАВОБ: Ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади. Набий алайҳиссалом бундай марҳамат қиладилар: “Умматимдан етмиш минг жаннатга ҳисобсиз кирурлар. Улар дам солмайдиганлар, дам солишни сўрамайдиганлар, шумланмайдиганлар ва Раббларига таваккул қиладиганлардир” (Имом Бухорий, Муслим ва Термизийлар ривояти).

Мулла Алий Қорий раҳимахуллоҳ айтади: “Қуръони карим оятлари, Аллоҳ таолонинг исми сифатлари билан дам солиш, шифо Аллоҳ таолодан деб билиш жоиздир. Аммо мосур бўлмаган нарсалар ўқиб, шифони дамдан деб ишонилса, жоиз бўлмайди.

САВОЛ: Ғул қилишда қиблага қараб ювиниш мумкинми?

ЖАВОБ: Ювинишда аврат ёпилган бўлса, қиблага қараш ёки орқа қилишнинг зарари йўқ. Ғул қилишда баданнинг аврат қисми ёпилган бўлиши дуруст. Шу ғулнинг одобларидандир.

5-бетда

Ташахҳуд ўрнига Фотиҳа сурасини ўқиб қўйса...

Давоми, бошланиши ўтган сонларда.

Фарз, вожиб, суннат, нафл намозларда аввалги қаъдада унутиб ташахҳуддан сўнг салавотни тўлиқ ёки “Аллоҳумма солли ʼала Муҳаммадин” қисмигача ўқиган кишига саждаи саҳв вожиб бўлади. Агар мазкур қисмидан бир-икки калимасини адашиб айтиб қўйса, саждаи саҳв вожиб бўлмайди («Раддул мухтор»).

Қаъдада ташахҳуд ўрнига Фотиҳа ё бошқа бирор сурани ўқиган кишига саждаи саҳв вожиб бўлади. Аммо охири қаъдада ташахҳудни ўқиб бўлгач, Фотиҳа сурасини ўқиса, саждаи саҳв вожиб бўлмайди. Бу ҳол аввалги қаъдада бўлса, саҳв саждаси лозим бўлади («Шарҳи Таҳтовий»).

Намозда у фарз ё нафл намоз бўлишидан қатъи назар аввалги ёки охири қаъдасида ташахҳудни бирор қисмини ўқимаган кишига саждаи саҳв вожиб бўлади («Фатовойи Оламғирия»).

Тўрт ракатли фарз ёки суннат муаккада намозларида аввалги қаъдасида ўтиришни эсдан чиқарган кишига саждаи саҳв вожиб бўлади («Фатовойи Оламғирия», «Раддул мухтор»).

Ким тўрт ракатли нафл намозларнинг аввалги қаъдасида ўтирмай, тўрт ракат ўқиса, бу намози дуруст бўлади ва аввалги қаъдада ўтирмагани учун унга саждаи саҳв вожиб бўлади («Раддул мухтор»).

Аввалги қаъдада ташахҳудни икки марта ўқиган кишига саждаи



саҳв қилиш вожиб бўлади («Ад-дуррул мухтор маъа Раддил мухтор»).

Охири қаъдада ташахҳудни икки марта ўқиганга саждаи саҳв вожиб бўлмайди («Фатовойи Оламғирия»).

Киши аввалги қаъдада аттаҳиётни ўқигач, нима қилишни билмай уч тасбеҳ миқдори ўтириб қолса, унга саждаи саҳв вожиб бўлади («Раддул мухтор»).

Тўрт ракатли намознинг аввалги қаъдасида адашиб, бир томонга ёки иккала томонга салом берган киши дарҳол (намозга зид бўлган бирор иш қилмай) учинчи ракатга турса, намози бузилмайди, давом эттиради, намоз охирида саждаи саҳв қилади («Ад-дуррул мухтор маъа Раддил мухтор»).

Агар имомнинг ортидаги киши аттаҳиётни ўқимаса, унга саждаи саҳв вожиб бўлмайди («Раддул мухтор»).

Тўрт ё уч ракатли намозда икки ракат ўқигач аввалги қаъдада ўтирмай, учинчи ракатга тураётганида адашгани ёдга тушса, тиззалари ҳали ердан ажрамаган бўлса ёки ажраган бўлса-да, белидан паст қисми тўлиқ тик бўлмаган бўлса, ўтириши керак. Ўтирса унга саждаи саҳв вожиб бўлмайди. Агар тўлиқ тик турса ёки тўлиқ тик туришга яқин бўлса, қайтиб ўтирмайди, намози охирида саждаи саҳв қилади («Фатовойи Оламғирия»).

тик туриб ичиш макруҳ бўлмайди, деганлар.

Замзамга сув қўшиш масаласи

— Замзам Ер юзидаги энг муборак тоза сув бўлгани учун уни бошқа сувларга аралаштирмасдан ўзини ичиш афзалдир;

— Агар бошқа сувга Замзам аралаштирилиб ичилса, унга қанча Замзам аралашган бўлса, шунча Замзам суви ичилган бўлади. Яъни, Замзам суви аралаштирилган сувнинг ҳаммаси Замзам суви бўлиб қолмайди.

Абдулқодир АБДУРРАҲИМ,
Имом Бухорий номидаги Тошкент ислом институти Ақоид ва фикҳий фанлар кафедраси доценти, тарих фанлари бўйича фалсафа доктори

Мусулмон одоби

Замзам тўйиб ичилади

Ҳаж ва умра қилувчилар Замзам сувини ичишлари мустаҳабдир. Замзам сувини тўйиб ичиш керак. Муҳаммад ибн Абдурахмон ибн Абу Бакрдан ривоят қилинади: «Ибн Аббоснинг ёнида эдим. Бир киши кириб келди. Ибн Аббос ундан: “Қаердан келяпсан?”




деб сўради. У: “Замзамдан” деб жавоб берди. Шунда у зот: “Одобларига риоя қилиб ичдингми?” деб сўради. У: “Унга қандай риоя қилинади?” деди. У зот: “Замзам ичмоқчи бўлсанг Қаъбага юзланасан, Аллоҳни зикр қиласан, учга бўлиб ичасан, тўйгунингча ичасан, сўнг-ра Аллоҳга ҳамд айтасан”, деди.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом: “**Замзам нима учун ичиlsa, ўша учун бўлади**”, деганлар.

— Замзамни ичишдан олдин Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анху қилган дуони қилиш яхши: “**Эй Аллоҳ, Сендан манфаатли илм, кенг ризқ ва барча касалликлардан шифо сўрайман**”.

Набий алайҳиссалом тик туриб сув ичишдан қайтарганлар. Лекин Замзам сувини тик туриб ичганлари ривоят қилинган. Уламолар мазкур ривоятларга асосан Замзам сувини ва бошқа сувларни ҳам ўтириб ичиш суннат, лекин Замзам ва таҳоратдан қолган сувни

Маълумки, жорий йилнинг 23 май кунидан бошлаб муборак ҳаж сафарини ният қилган юртдошларимиз босқичма-босқич улуғ зиёратга йўл



олишди. Шу кунларда Саудия Арабистонида бўлиб турган юртимиз зиёратчилари дунё мусулмонлари билан бирга улуғ амалларни адо этмоқдалар. Улар Мадинаи мунаввара ва Маккаи мукаррама шаҳарларида тоат-ибодат, зиёрат ва дуолар билан машғул бўлиб, эл-юртимизга тинчлик-хотиржамлик, фаровонлик тилаб, дуолар қилишяпти.

Муборак ҳаж сафари ҳам жисмонан, ҳам руҳан адо этила-

Ҳаж – улуғ амал, ихлос ила мукаммал

диган улуғ амалдир. Пайғамбари-миз соллаллоху алайҳи ва саллам ушбу ибодатнинг ҳар бир рукни-ни ихлос билан мукаммал бажарган кишига жаннат мукофот қилиниши ҳақида хушxabар берганлар.

Мадинаи мунавварадаги тоату ибодатларини иймону ихлос ила ниҳоясига етказаётган зиёратчиларимиз оппоқ эҳромларга кириб, Маккаи мукаррама томон йўл олмоқдалар. Барча ташкилий ишлар Дин ишлари бўйича қўмита, Ўзбекистон мусулмонлари идораси ва Жидда шаҳридаги Ўзбекистон Республикасининг Бош консулхонаси Ҳаж ва умра масалалари бўйича Атташесининг доимий назоратида. Туну кун ишлайдиган тиббиёт бўлими малакали шифокорлари зиёратчиларнинг саломатлигига ғамхўрлик қилаётир. Бундай ғамхўрликлардан кўнгиллари кўтарилган юртдошларимиз Аллоҳ таолога чексиз шукроналар айтишяпти.



Қаъбаи муаззама – Ислом уммати учун энг муқаддас, дуолар мустажоб бўладиган маскандир. Иншоаллоҳ, ҳожиларимизнинг муборак манзилда қилаётган хайрли дуолари туфайли Ўзбекистонимиз янада қут-баракали, тинч-фаровон, тараққий этган юртга айланажак.

Аллоҳ таоло ҳаж амалини адо этишга чоғланган юртдошларимизнинг сафарларини муборак қилсин, Байтуллоҳ ёнида дуолар қилиш барчамизга насиб этсин!

Ўз мухбиримиз

Мактубларда манзаралар

Таҳорат ва намознинг фазли

Карманалик Наби бобо Шоипов 84 ёшда. У Тошкент политехника институти (ҳозирги Тошкент давлат техника университети)ни тамомлагач, узоқ йиллар муҳандис бўлиб хизмат қилди. Шу билан бирга, деҳқончилик, боғдорчилик ва асаларичилик касби билан ҳам шуғулланиб, элимиз дастурхонига тотли неъматлар етиштириб берди. Наби бобонинг яна бир муҳим хислати, у халқ табобатини ҳам яхшигина эгаллаган. Унинг тавсиялари билан кўплаб беморлар дардларига шифо топишган. Ҳозир ҳам уни узоқ-яқиндан, ҳатто юртимизнинг олис нуқталаридан дараклаб келишади.

Наби ота Ислом дини арконларига қатъий амал қилади. Айниқса, намозни канда қилмайди. Айтмоқчи бўлганимиз, отахон сўнгги йилларда олиб борган кузатишлари натижасида намознинг инсон саломатлигига ижобий таъсирига гувоҳ бўлди. Жумладан, таҳорат амалларини бажариш саломатликни мустаҳкамлаши, инсонга куч-қувват беришини исботлади. Яъни, симли ўтказгичда тартибли зарядлар мужасам бўлиб, унинг атрофида ўзаро индукцияланиш юз беради. Агар икки сим бир-бирига яқин ўтса, магнит майдонлари ҳосил бўлади. Индукция чизигини кесган ҳар

қандай ўтказгич ўзида ток (заряд) пайдо қилади.

Инсон танасида зарарли зарядлар кўпайиши қон қуюқлашиши, юракнинг нотекис уриши, мадорсизлик, уйқу бузилиши ёки уйқучанлик, иштаҳанинг ортиши ёки пасайиши, асаб тизими таранглашуви каби ҳолатларни келтириб чиқаради.

Албатта, заряднинг ортиғи – кони зиён. Буни олимлар исботлашган. Таҳорат олганимизда эса Ер шари чексиз манфий зарядлар макони бўлгани учун унга танамиздаги жамики мусбат зарядлар ўтиб кетади.

Эътибор берсак, таҳоратдан кейин одамнинг кайфияти кўтарилади. Боиси, инсонда покланиш юзга келади, танамиздаги зарядлар меъёрлашади, юрак осойишталиги таъминланади, фикрлар ҳам бир жойга жамланади.

Ғусл танамизни кислородга тўйинтиради. Томирлардаги қонни суюлтириб, тери таранглашуви, ёшариш жараёнлари тезлашишига олиб келади.

Таҳорат вақтида қўл, оёқ бармоқларини эгиб, танамиз марказига қараб тортишимиз билан қон томирларни юракка қараб итарамиз ва бу юрак ишини енгиллаштиради.

Намознинг қиём, руку ва сажда

амалларида вазннинг бир қисми қўл, бурун, пешонага тушади. Руку, сажда амаллари кетма-кет бажарилганида бош қисмимизга марказдан қочма куч таъсир қилади.

Демак, таҳорат олинганда ва намоз ўқилганида танадаги қон айланиши фаоллашади. Фикрлаш, кўриш, эшитиш, ҳид билиш ва ҳоказо қобилиятлар яхшиланади. Киши тасбеҳ ўғирганида эса бармоқ учидеги асаб толалари фаоллашади. Кўриниб турибдики, намозхонга касаллик яқин йўламайди.

Хуллас, ибодат пайтида инсоннинг ҳамма мушаклари ҳаракатга келади. Ҳатто намоз якунида чордона куриб дуо қилиш ҳам фойда беради. Яъни, бу пайтда биринчи онг билан иккинчи онг боғланади. Иккинчи онг эса Аллоҳнинг амри билан қилинган ниятларга эришишга етаклайди.

Зулхумор БОЗОРОВА оққа кўчирди.

Кармана тумани



Масала

4-бетда

САВОЛ: Мен уйни олдиндан бир йиллик ижара пулини тўлаб қўйиб, кейин уни ўзим қимматроқ пулга ижарага берсам бўладими?

ЖАВОБ: Бу ҳақда “Фатоеи Оламгирия” китобида шундай дейилган: “Ховлини ижарага олган киши уни унга тўлаган пулидан (масалан, сўм) камроққа ё уни тўлаган миқдорда ижарага берса бўлади. Агар уни тўлаганидан ошиқча нархга ижарага берса, ошиқчасини садақа қилиши лозим. Агар унга тўлаган пулдан бошқа пулда қимматроққа ижарага берса, бу ҳолда ошиқчаси ҳалол бўлади.

Агар ижарага олган ховлига бирор кўшимча киритса, масалан, кудуқ қавласа, шуваса, эшикларни тузатса ёки деворларини таъмирласа, бу ҳолда унга тўлаган пулда қимматга ижарага берса, ошиқчаси ҳалол бўлади”.

САВОЛ: Бу йил ўқишга топширмоқчиман. Агар “мен ўқишга, албатта, кираман”, деб ният қилсам, яхши ният қилган бўламанми ёки олдиндан фол очган бўламанми? Очиғи, ўзимнинг ўқишга киришимга унчалик ишонмайман. Бу ёмон ниятми? Аллоҳдан ўқишга кириб кетишимни чин кўнглимдан сўраяман.

ЖАВОБ: Яхши ният қилиш динимизда ман қилинган фолбинликка кирмайди, бу яхшиликни кутишдир. Аммо одоб юзасидан, Худо хоҳласа, ўқишга кираман, десангиз, яхши бўлади. Зеро, барча ишлар Аллоҳ хоҳласагина, амалга ошади.

Ўқишга киришга ишончингиз йўқлиги ёмон ният эмас, балки имтиҳонга яхши тайёрланмасликдан келиб чиқади. Аммо астойдил ҳаракат қилиб, Аллоҳдан сўрасангиз, иншоаллоҳ, мақсадингизга эришасиз. Мусулмон киши ҳар бир ишда сабабларни қоим қилиб, Аллоҳга суянади. Буни таваккал қилиш дейилади.

САВОЛ: Фарзандим соғайиб кетса, Маккага бориб, ўша ерда садақа қиламан, деб назр қилган эдим. Худога шукр, фарзандим тузалди. Яқин орада ҳажга боришига имконим йўқ. Қилган назримни ўша ерда бормасдан, шу ерда амалга оширсам бўладими?

7-бетда

Тақводорлик шарофати

Иброҳим Адҳам тож-тахтдан воз кечгач, йиллар ўтиб, ўзи қурдирган бир масжидда шом намозини ўқиди. Ташқарида қор ёғар, ҳаво совуқ эди. “Шу ерда тунаб, тонг отгач кетаман”, деган қарорга келди. Бироқ қоровул рухсат бермади. “Иброҳим Адҳам ҳазратлари бу масжидни уйсизлар учун қургани йўқ”, деб у зотни ташқарига чиқишини сўради. Иброҳим Адҳам индамай чиқиб кетди.

Атроф қоп-қоронғу, қаҳратон. Дарвозаларга қулф урилган. Фақат новвойхона эшиги очик эди.

Ичкарига кириб, тонггача ўтиришга рухсат сўради. У ерда ишлаётган одам: “Кириш, бемалол”, деди. Иброҳим Адҳам икки соатча ўтирди. Ишчи жимгина юмушида давом этди. Бомдод намозини ўқиб бўлгачгина тилга кирди:

— Хуш келдингиз. Қаердан келиб, қаерга кетяпсиз? Исмнингиз нима?

Иброҳим Адҳам унинг бу ҳаракатидан ҳайратга тушиб сўради:

— Икки соатдан бери ўтирибман. Нега энди ҳол-аҳвол сўраяпсан?

— Мен ишчиман, — жавоб берди

новвой. — Икки боламни, яна икки етимни новвойхона маоши билан боқаман. Шу пайтгача уларга ҳаром луқма едирмадим. Сиз келганингизда иш вақтим эди. Азон чақирилгач, ниҳоясига етди. Энди маошимга ҳаром аралашишидан кўрқмай, сиз билан бемалол гаплашишим мумкин.

Иброҳим Адҳам деди:

— Жуда яхши одам экансан. Қилган дуоларинг амалга ошмаган пайт бўлганми?

— Аллоҳга ҳамдлар бўлсин, барча дуоларим ижобат бўлди. Фақат

биргина хоҳишим қолди. Қачондан бери Аллоҳдан Иброҳим Адҳам ҳазратлари билан кўриштиришини сўрайман...

Бу гапни эшитган Иброҳим Адҳам деди:

— Аллоҳ шундай зотки, бандаси чин дилдан сўраган нарсани беришни истаса, энг гўзал тадбирни қилади. Мана бугун Иброҳим Адҳамни кўлидан тортиб, ортидан туртиб, ҳузурингга келтирди.

Нигора АБДУМУХТОР қизи
тайёрлади.

Қуръонни ўрганамиз

Анъом Қуръони каримдаги олтинчи сурадир. Бир юз олти беш оят. Маккада нозил бўлган. “Анъом” — “чорва ҳайвонлари” деганидир.

Сурада ақида асослари, шариат аҳкомлари, оилавий масалалар, ҳайвонлар ва уларнинг гўштлири



ҳақидаги ҳукмлар, дунё ва охират сифатлари баён қилинган.

Анас ибн Молик розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **“Анъом сураси нозил бўлаётганда фаришталар саф тортиб, тасбеҳ айтиб туришди. Уларнинг кўпчилигидан ер ҳам силкинди”**, дедилар. Шу вақтда Ра-

суллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: **«Аллоҳ таоло барча айбу нуқсонлардан покдир, Унга ҳамду санолар бўлсин»**, деб тасбеҳ айтди (Имом Байҳақий “Шуъбул-Имон”да ривоят қилган).

Ибн Аббос розияллоҳу анҳумо: “Анъом сураси Маккада тўлалигича нозил қилинган. У нозил бўлганида атрофида етмиш минг фаришта тасбеҳ айтиб турган”, деганлар.

Сурада бу шаръий ҳукмлар келган:

- Аллоҳга ширк келтирманг;
- ота-онага яхшилик қилинг;
- фарзандларингизни очликдан кўрқиб ўлдирманг, чунки уларни ҳам, сизларни ҳам Биз ризқлантирамыз;
- фаҳшнинг ошқорасига ҳам, махфийсига ҳам яқинлашманг;
- Аллоҳ ҳаром қилган жонни ноҳақ ўлдирманг;
- вояга етмагунча етимнинг молига яқинлашманг, уни ноҳақ йўл билан еманг;
- мезон, яъни тарози ва ўлчовда хиёнат қилманг;
- биз инсонларга тоқатидан ташқари нарсани буюрмаймиз;

- гапирсангиз фақат ҳақ ва тўғри гапни гапиринг;
- Аллоҳга берган аҳдингизга вафо қилинг;
- мен буюрган тўғри йўлга эргашинг, фирқаларга бўлиниб, бошқа йўлга эргашманг, акс ҳолда, тўғри йўлдан адашиб кетасиз.

Сурада Аллоҳ таоло инсонларни энг катта зулм — ширкдан сақлашни буюради. Ширк кечирилмас гуноҳдир. Мушрик инсон барча қилган хайрли амаллари савобидан айрилади, дунё ва охиратда зиён кўрувчилардан бўлади.

“Тафсири ҳилол”, “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири”, Ибн Касир тафсири ва бошқа манбалар асосида Дилшоджон МАМАДАЛИЕВ
тайёрлади.

Хотира



Сарчашма қишлоғи аҳли раҳматли Абдурахмон домла Шариповни хурмат билан эсга олади. Чунки у киши умр бўйи қишлоғимизнинг ободлиги учун жон куйдирди.

Мустақилликнинг илк йилларида сарчашмаликлар 1878 йилда бунёд этилган “Мулло Рўзи” жоме масжидини Абдурахмон домла бошчилигида қайта тиклаш ташаббуси билан чиқишди. Шўро

Хайрли ишларда пешқадам эди

замонида омборхона сифатида фойдаланилган, узоқ йиллар қаровсиз қолган масжид биноси бу инсоннинг саъй-ҳаракатлари билан таъмирланиб, ишга туширилди. Кўхна масжид бугунги кунда тарихий-меъморий ёдгорлик сифатида давлат муҳофазасига олинган.

1993 йили халқ ўртасида обрў-этибор қозонган, диний-маърифий соҳада билим ва тажрибага эга Абдурахмон домла Шариповни ҳамқишлоқлари ушбу масжиднинг имом-хатиблигига тавсия қилишди. Ҳожи ота бу вазифада садоқат билан хизмат қилди. Биринчи навбатда одамларнинг диний-маърифий билимини юксалтиришга эътибор қаратди. Уларга динимизнинг моҳиятини англатиш, Исло

мларини ўргатиш пайида бўлди. Шунингдек, имомлик чоғлари маҳалла аҳли бошини қовуштириб, уларни тинч-тотув яшашга ундади. Айниқса, ёш оилаларда гап-сўз чиқмаслиги учун доимо уларга насихат қилиб, тўғри йўл кўрсатди.

Абдурахмон ота саховатпеша инсон эди. У киши ёрдамга муҳтож ҳамқишлоғи ёки бошқа биров бўлсин, доимо кўмак беришга шошарди. Моддий имконияти етмай қолган пайтлари ўзининг томорқасидаги тол, теракларини сотиб бўлса ҳам меҳр-мурувват кўрсатган. Қишлоқ ободлиги учун сарф қилган.

У киши имомлик қилиш билан бирга қишлоғимиздаги кўп-лаб хайрли ишларга бош бўлди.

Дастлаб “Хўжа Мусо” қабристони худуди тозаланиб, тош девор билан ўралиб, атрофига дарахтлар экилди. Қишлоғимиздаги дарё ва қатнов йўлларида учта кўприк қурилишида ҳам ҳожи отанинг хизмати катта бўлди. Ёшу қариларнинг бўш вақтини мазмунли ўтказиш мақсадида қишлоқ чойхонаси маънавият марказига айлантирилди. 2009 йили қишлоқ оқсоқоллари билан маслаҳатлашиб, масжид ёнида замонавий таҳоратхона ва меҳмонхона қурдирди.

Абдурахмон домла нафақага чиққанида ҳам халқ хизматида камарбаста бўлди. Чин мўмин, сахий, ватанпарвар ва бунёдкорликни хуш кўрувчи бу инсоннинг ҳаёт йўли ёшларимиз учун ибрат намунаси. Аллоҳ у кишидан рози бўлсин.

Баҳром ЧОРШАНБИЕВ,
Шаҳрисабз тумани

Қилмиш–қидирмиш

Ёз. Тонг пайти дераза ёнига бориб ташқарига назар солдим. Ён қўшним Тоштурғун кўчада қўлида болта билан асабийлашган, жазаваси қўзиган ҳолда кетаётган эди. У уйимиз ортига бурилдию ғойиб бўлди. Ҳайрон бўлдим. Бирдан ўша томондан итининг аянчли акиллагани эшитилди. Бу “Граф” номли итимиз эди. Яқинда болалаганди. Ишқилиб, бу муттаҳам “Граф”га зиён етказмаган бўлсин-да. Бир зумда кийиниб, ташқарига отилдим. Қўни-қўшнилари ҳам югуриб чиқишибди. Не кўз билан кўрай, Тоштурғун ариқ бўйида “Граф”нинг бошини ойболта билан мажақлаб ташлабди. Аъзои баданим жимирлаб кетди.

— Ҳей Тоштурғун! Каззоб, нега итни ўлдирдинг? Бу қилиғинг заррача ҳам инсонгарчиликка тўғри келмайди. Беозор жонивор

сенга нима ёмонлик қилди? — дея бақирдим.

— Аралашма, сендан сўраб иш қилмайман, — дея ғўлдиради у.

— Ё Парвардигор, қандай шафқатсизлик! Бундай кимсадан асло раҳм-шафқат кутиб бўлмайди, — деб қичқирди кимдир.

— Хўш, нима қилай? Катакдан товукларим, тухумлар йўқоляпти. Тоқатим қолмади. Гумоним сенинг итингдан! — Тоштурғуннинг баттар жазаваси қўзғади.

— Аблаҳ одам экансан. Бу гапларни ичингдан тўқиб чиқаряпсан. Одам деган бундай бўлмайди. Қани айт-чи: итим қачон сенинг бирор нарсангни ўғирлаганини кўрдинг?

Тоштурғун менга еб қўйгудай қаради-ю, қонга ботган ўткир болтасини кўтарганча уйи томон жўнаб қолди...

Ҳеч бир қилмиш жазосиз

қолмас экан. Орадан икки йилча вақт ўтиб, қўшним тилсиз жониворга қилган ваҳшийлигининг жавобини олди. Тоштурғун билан ўғли орасидаги ихтилоф тўғрисида сал-пал эшитгандим. Навбатдаги жанжал пайтида маст ўғил жаҳл устида болта билан отасининг бошига солибди. Тоштурғун шу заҳоти жон берибди. Кутилмаган хабарни эшитиб, кулоқларимга ишонмай қолдим...

Фазлиддин АБДУНАЗАРОВ



Арзимас ишнинг баҳоси

Невараларим билан бирга кўп мутолаа қиламиз. Бир куни кичик неварам кутубхонадан китоб олиб келди. Китоб русча бўлгани сабабли у айрим ҳикоялар матнига тўлиқ тушуна олмай қийналарди. Ёрдам бериш учун ёнига ўтирдим. Китобга кўз югуртирар эканман, қисқагина, аммо содда, равон ёзилган бир ҳикоя диққатимни тортди. Бир одамнинг эски қайиғи бўлган экан. Ҳеч бўлмаса қайиқни бўятиб кўяй, деб уйига уста чақирибди. Уста уй эгаси билан хизмат ҳақини келишиб, ишга киришибди. Қайиқни яхшилаб кўздан кечирай экан, унинг тубида каттагина тешик борлигига кўзи тушибди. Уста тешикни яхшилаб ямаб, чиройли ранглар билан қайиқни бўяб қўйибди.

Эртаси куни қайиқнинг янги бўёқларда товланиб турганини кўриб, уй эгасининг хотини, болалари унда денгизга сайрга кетишибди. Уйда қолган оила соҳиб-и қайиқ тагида тешик борлиги ва бу ҳақда устага айтмаганини эслайди. Ҳадеганда қайиқ қайта-вермагач, энди оиламдан ажралдим, улар чўкиб кетган бўлсалар керак, деб кўрқиб кетади. Кечга яқин қайиқдагилар омон-эсон соҳилга қайтишади. Уй эгаси тешик яхшилаб ямаб қўйилганини кўради. Кўзлари жикқа ёшга тўлиб, устани чин юракдан дуо қилиб, унинг уйига катта совға-саломлар билан борди.

Уста ҳайрон бўлди:

— Ахир сиз менга ҳақимни бердингиз-ку!

— Тўғри. Лекин сиз оиламни ҳа-локатдан қутқариб қолдингиз.

— Қандай қилиб?

— Сизга қайиқ тагидаги тешикни ямаш ҳақида айтиш эсимдан чиққан экан. Сиз эса, ўз ишингизни сидқидилдан бажариб, айтилмаган юмушни ҳам чиройли тарзда бажариб қўйибсиз.

— Бу арзимас иш-ку. Мен вази-фамни бажардим, шуни ҳам қилмасам, усталигим қаёқда қолади, — деб жавоб берди. Ваҳоланки, уста ўзига буюрилган ишни бажариб кетса ҳам бўлар эди. Лекин у ўз ва-зифасига виждонан ёндашди. Бу хислати эса устанинг одамлар орасидаги ҳурматини ошириб, эл на-зарига тушишига сабаб бўлди.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам марҳамат қиладилар: **“Аллоҳ таоло агар сизлардан бирин-гиз иши қилса, ишини пухта қилув-чиларни севади”.**

Ўйлаб кўринг, икки фарзандингизга бир хил иш буюрдингиз. Масалан, дастрўмолчаларни ювиб, дазмоллаб қўйишни сўрадингиз. Лекин билдирмайгина дастрўмолчалар чо-кини ситиб қўйдингиз. Шунда бир фар-зандингиз уни ювиб қуритиб, дазмоллаб қўйиш билан кифоя-ланади. Иккинчиси эса, уни ювиб қурит-гач, ситилган чокла-рини тикиб, сўнгра дазмоллайди. Юза-ки қараганда, икки-си ҳам топширилган

ишни уддалади. Лекин биринчиси мажбурият юзасидан, иккинчиси сидқидилдан, пухталиқ ва фаросат билан бажарди. Албатта, сизни ик-кинчи фарзандингизнинг иши қу-вонтиради, уни самимий дуо қила-сиз, кўнглингиз тоғдек кўтарилади.

Демак, биз фарзандлар тарбия-сида меҳнатнинг ўрни нақадар бекиёслигини, айниқса, меҳнат чин дилдан, холис, пухта, сидқидилдан бажарилсагина, Аллоҳ-нинг ажр-савобларига эга бўли-ши ва инсонлар ҳурматига сазо-вор бўлишлари ҳақида ўйлаши-миз ҳамда бунини ўз ўрнида ҳаётга татбиқ қилишимиз лозим. Бу бо-рада эса, арзимас ишнинг ўзи йўқ.

Набий алайҳиссалом айтади-лар: **“Аллоҳ гўзалдир, Аллоҳ таоло (зоти, сифати, феъллари) гўзал Зот-дир. Ҳар бир нарсанинг гўзал бўли-шини яхши кўради”** (Имом Муслим ривояти).

Умида ҲАФИЗОВА,
Тошкент ислом институти
“Тиллар” кафедраси катта
ўқитувчиси



Масала

5-бетда

ЖАВОБ: “Фалон жойда қўй сўйиб, садақа қиламан”, “Фалон куни шунча нафл намоз ўқий-ман”, “Фалончиларга садақа қи-ламан”, деб назр қилинса, айнан ўша жой, вақтда адо қилиш ёки айнан ўша шахсга бериш шарт эмас. У назрини истаган вақтда ва жойда адо этиши ёки истаган шахсга бериши жоиз. Назр қи-линган нарсаси фақир ва мискин-ларга берилади. Назр қилин-ган садақани исталган жойда-ги фақирларга бериш мумкин. Бойлар, назр қилганнинг ота-онаси, бобо-бувиси, фарзанд-лари, эри ёки хотини назр қи-линган нарсани олиши мумкин эмас.

САВОЛ: Аҳли сунна вал жамоа наздида солиҳ амалларнинг қабул бўлиш шартлари нималар?

ЖАВОБ: Солиҳ амаллар-нинг қабул бўлиш шартлари қуйидагилар:

1. Солиҳ амал уни бузувчи риё ва уjb каби айблардан холи бў-лиши керак. Имом Абу Ҳани-фа раҳматуллоҳи алайҳ шун-дай дейди: “Риё солиҳ амалга аралашса, унинг ажрини йўққа чиқаради. Уjb (киши ўзидан фахрланиши) ҳам — риё каби-дир”. Бу ҳақда Аллоҳ таоло бун-дай дейди:

“...Аллоҳ аслида тақволи ки-шилардан қабул қилур” (Моидда сураси, 27-оят).

2. Амал тўғри бўлиши керак, ботил эмас. Амалнинг ботил бў-лишига куфр ва муртадлик са-баб бўлади. Шунинг учун куфр келтирган ёки муртад бўлгандан кейин қилинган солиҳ амаллар қабул бўлмайди. Солиҳ амал-лар иймон билан бирга бўлса-гина фойда беради.

3. Солиҳ амаллар соҳиб-и дунёдан иймон билан ўтиши ке-рак. Ким кофир ва муртад бўлиб дунёдан ўтса, унинг амаллари қабул бўлмайди. Бу ҳақда Қур-ъони каримда бундай дейилади:

“(Зотан) **Биз улар қилган ҳар бир амалга келиб, уни сочил-ган тўзон** (каби фойдасиз) **қи-либ қўйгандирмиз**” (Фурқон су-раси, 23-оят).

Демак, амаллар динимиз кўрсатмаларига мос ҳолда ихлос билан бажарилиши ке-рак. Бу жараёнда амални бу-зувчи риё, уjb ва миннат каби омиллар бўлмаслиги ва савоб-ли амалларини эгаси бу дунёдан иймон билан охиратга олиб ке-тиши керак.

Ўзбекистон мусулмонлари
идораси Фатво маркази.
Тел. 78-150-33-44

Жакартадаги “Истиқлол” мажмуаси



Дунёдаги энг йирик масжидлардан бирини кўргингиз келиб қолса, Индонезия пойтахти Жакартадаги “Истиқлол” мажмуасига боринг. Ушбу иншоот Жануби-шарқий Осиёдаги энг катта масжид саналади.

Индонезиянинг мазкур миллий масжиди 1978 йилнинг 22 февралда ишга тушган ва мамлакатнинг мустақиллиги шарафига “Истиқлол” деб аталган. Масжидда бир вақтнинг ўзида 120 000 киши намоз ўқий олади.

Масжиднинг бутун таркиби Исломда аҳамиятли бўлган рақамлар рамазларидан ташкил топган — масжиднинг еттита кириш эшиги (осмонлар ва ернинг қаватлари сонига ишора қилади), таҳоратхона ва асосий намозхона биринчи қаватда. Бино бир-бирига боғланган иккита тўртбурчак тузилмадан иборат: бирламчи иншоот ва нисбатан кичикроқ иккиламчи иншоот.

Хонақоҳнинг тўртбурчак шаклидаги биноси диаметри 45 метр бўлган шарсимон гумбаз билан қопланган; 45 рақами Индонезиянинг мустақилликка эришган йилини англатади (1945). Асосий гумбазда зангламайдиган пўлатдан ясалган ярим ой ва юлдуз шаклидаги декоратив чўққи бор. Гумбазни ўн иккита думалоқ устун кўтариб туради (Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламнинг таваллуд топган кунлари шарафига шундай қилинган

— Рабиул аввал ойининг 12-куни), намозхона эса тўғри тўртбурчак устунлар билан ўралган.

Асосий қават ва тўрт қаватли балконлар бирлашиб беш қаватни ташкил қилади; 5 рақами Исломнинг беш устунини ифодалайди. Ички безакларида ҳеч қандай ҳашамга йўл қўйилмаган, оддийгина ва ораста, зангламайдиган пўлатдан одмигина нақшлар солинган. Қибла тарафдаги бош девор марказида меҳроб ва минбар жойлашган.

Бир нечта минорали араб, форс, турк ва ҳинд масжидларидан фарқли ўлароқ “Истиқлол” масжидининг биттагина минораси бор. Бу билан Аллоҳнинг ягоналигига ишора қилинган. Масжид идораси, анжуманлар саройи ва мадраса биринчи қаватдан ўрин олган. Масжидда ижтимоий ва маданий тадбирлар ўтказиш имконияти яратилган.

Дамин ЖУМАҚУЛ тайёрлади.

Қуръонда зикри келган ...

“У иккисида (мазкур икки боғда) мева, хурмо ва анорлар бордир” (Ар-Раҳмон сураси, 68-оят).

“Шунингдек, узумзор боғлар, бир-бирига ўхшаган ва ўхшаманган зайтун ва анорларни (чиқардик)” (Анъом сураси, 99-оят).

“У (Аллоҳ) шундай зотки, (сўритокларга) кўтариб қўйиладиган ва кўтариб қўйилмайдиган (узумзор) боғларни, таъми турлича (бўлган) хурмо ва мевали дарахтларни, (ранг ва таъмда) ўхшаш ва ўхшамас зайтун ва анорларни пайдо қилди” (Анъом сураси, 141-оят).

Анор Қуръонда бир неча бор зикр қилинган. Анорнинг мағзи ҳам, пўстлоғи ҳам кони фойда. Анор шарбат кўринишида ҳам истеъмол қилинади. Унинг пўсти ва



пардеворларидан дамламалар тайёрлаб ичиш фойдали.

Анорнинг шифобахш жиҳатлари:

1. Организмни тозалайди. Анорни истеъмол қилиш қон босимини меъёрга келтиради, жигарни тозалайди, ортиқча суюқликни организмдан чиқаради.

2. Гижжадан халос қилади. Қуритилган анор пўстлоғи қайнатилди ва бир ҳафта давомида эрталаб оч қоринга ичилади. Бу амалиёт билан гижжалардан холи бўласиз.

Анор

3. Асабийликнинг олдини олади. Ҳаёт ташвишлари билан бўлиб ҳаловатсизлик, юрак сиқилиши, асабийлик ва тез кайфият ўзгаришидан азият чексангиз, анор пўстини ярим литр сувда қайнатиб ичиш фойдалидир. Турли яллиғланишлар, жигар хасталикларида ҳам ичилиши самара беради.

4. Иммуниетни кўтаради. Кузқиш мавсумини грипп ва шамоллашларсиз ўтказмоқчи бўлсангиз, ҳар куни бир неча 10 дона анор истеъмол қилишни одат қилинг. Анор С витаминига бойлиги сабаб шамоллашда ёрдам беради. Анорни турли салатларга қўшиб тановвул қилиш ҳам мумкин. Қон айланишини яхшилайдиган

ичакларни тозалаб, юз кўринишини тиниқлаштиради.

5. Суякларни мустаҳкамлайди. Ёши улуғ инсонлар кунора анор еб туришлари шарт. Негаки, таркибидаги кальций катталарда учрайдиган остеохондрозга қарши курашади. Анор шарбати ичилганда инсульт ва инфаркт хавфи камаёди. У хотирани мустаҳкамлайди. Вазн ташлашда ҳам ёрдам беради.

Анорни меъеридан кўп истеъмол қилиш ҳам мумкин эмас. Анор таркибидаги моддалар тиш эмалини емириши мумкин. Анор еб бўлгач, оғизни иссиқ сувда чайиш тавсия қилинади. Анорни кўп ейиш қабзиятга ҳам сабаб бўлади.

Саодат ЙЎЛДОШЕВА тайёрлади.

Тиббиёт бурчаги

Ўрикнинг фойдалари

Меванинг мағиз қисмида кўп микдорда шакар, органик кислоталар, каротин, крахмал, С, В¹, В², Р витаминлари ва флавоноидлар мужассам.

Ўрикнинг меваси ҳам, мағзи ҳам жуда фойда.



Янги узилган ўрик ва туршак бўшаширувчи, пешоб ҳайдовчи, атеросклероз ҳосил бўлишига тўсқинлик қилувчи, моддалар алмашинувини яхшиловчи хусусиятларга эга.

Шунинг билан бирга, ўрик йўғон ичак саратонидан ҳам ҳимоя қилади. Ич қотиши ва вена томирлари варикоз кенгайиши хавфини камайтиради.

Интернет манбалари асосида тайёрланди.

ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон мусулмонлари идораси Жиззах вилояти вакиллиги жамоаси Фориш тумани Гараша қишлоғи «Гиреҳқушо» жоме масжиди имом-хатиби Илҳом домла Шамсиевга волидаи муҳтарамаси **Нарзигул ҳожи она ШАМСИЕВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради. Аллоҳ таоло марҳума онахонни раҳматиға олсин, маконини жаннат қилсин. Барча хайрли ва савоб амалларини бошларига соя, охиратларига захира қилсин. Ортада қолган яқинларига гўзал сабр берсин.

Иннā лиллāҳи ва иннā илайҳи рббжъўн!

Muassis:
O'zbekiston musulmonlari idorasi "Shamsuddinxon Boboxonov" NMIU

Bosh direktor: **Sultonbek IMOMNAZAROV**

Ислом нури

Bosh muharrir:
Abdul Jalil XO'JAM

Tahrir hay'ati:

Shayx Nuriddin XOLIQNAZAR	Komiljon BURHONOV
Sodiq TOSHOYEV	Tolibjon NIZOMOV
Homidjon ISHMATBEKOV	Hikmatulloh TOSHTEMIROV
Shayx Abdulaziz MANSUR	Muzaffar KAMOLOV
Obidjon QODIROV	Salohiddin SHERXONOV
Muhammadiy MUHAMMADSIDDIQOV	Azizbek XOLNAZAROV
Zayniddin ESHONQULOV	Jamoatchilik kengashi:
Muhammadsharif JUMAN	Alisher ESHIMOV
Xolmat ATABAYEV	Islomiddin ZUHRIDDINOV
	Rustam JAMILOV

Toshkent—100069, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.
(71) 227-34-30 (71) 240-05-19.
m-nashr@mail.ru
www.hidoyatuz

Nashr ko'rsatkichi: 195
ISSN 2091-5225
2020-yil 3-sentabrda
0017-raqam bilan
ro'yxatga olingan.

Gazeta oyda ikki marta chop etiladi.
Bahosi kelishilgan narxda.

Navbatchi muharrir:
Dilmurod SODIQOV
Musahhiha:
Zebo OMONOVA
Sahifalovchi:
Komiljon MAHMUDOV
Ekspertizaga berildi:
27.05.2024
Xulosa (№03-07/3304) olindi:
04.06.2024
"SHAMSUDDINXON BOBOXONOV" NMIU
bosmaxonasida chop etildi.

Adadi: 12.550
24-3/11-buyurtma.
Bosmaxona manzili:
Toshkent shahri, Zarqaynar
18-berkko'cha, 47-a uy.



Газетада оятлар, ҳадислар бор.
Ножиоз жойларга қўйманг!

The newspaper contains ayahs and
hadiths. Please, do not put it
in inappropriate places!

لا تضعوها في مكان غير مناسب!

Газета содержит аяты и хадисы. Не
оставляйте в неподходящих местах!